

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари М.М.Мирзаевнинг 2022 йил 1- чоракда
бажарилган ишлари**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш
ва қўшимча манбаларни жалб этиш**

Давлат бюджетига 2022 йилнинг I чораги учун 33,2 трлн.сўм белгиланган прогноз кўрсаткичлари 34,5 трлн.сўмга (104,9%) бажарилиб, бюджетта 1,3 трлн.сўм қўшимча маблағлар жалб этилди (тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 трлн.сўмга (117,6%) ўсди).

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 2022 йилнинг I чораги учун белгиланган 7,1 трлн.сўм прогноз 7,5 трлн.сўмга ёки 448,8 млрд.сўм (106,3%) ортиғи билан бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 20-майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Алкоголь, тамаки ва пиво маҳсулотларни тўлиқ рақамли маркировкалган ҳолда ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ишлаб чиқарувчи (51 та алкоголь, 2 та тамаки ва 16 та пиво) ва импорт қилувчи (8 та алкоголь, 4 та тамаки ва 6 та пиво) корхоналар томонидан жами 1 137,1 млн. дона (615,0 млн. дона – тамаки, 334,5 млн. дона – алкоголь ва 177,5 млн. дона пиво) рақамли маркировкалган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартағи “Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш”

лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-178-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 148-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 149-сон қарори қабул қилинди.

Хавфни таҳлил қилиш ва солиқ тўловчиларни сегментлаш бўйича

Солиқ хавфларини бошқариш бўйича тадбирларни режалаштириш ва тайинлаш, интизомли ва шубҳали корхоналар рўйхатини автоматик шакллантириш каби функциялари мавжуд, бошқа дастурлар билан интеграция қилинган Солиқ хавфларини бошқариш (CRM)-тизими ишлаб чиқилди ва тақдимот қилинди.

“Таҳлика таҳлил” дастури орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлил қилиниб, 4 802 та ҳолатда 1,8 трлн.сўм солиқ хавфи аниқланди ва назорат тадбирларини амалга ошириш белгилаб олинди. Шу билан бирга 144 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти интизомли деб топилиб, уларни рўйхати Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

Чорак давомида жами 128 та 230,4 млрд. сўмлик солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан берилган шикоятлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, 29 та (23 %) 27,0 млрд. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 80 та (64 %) 47,4 млрд. сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди ҳамда қолган мурожаатлар бўйича ўрганиш давом этмоқда.